



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 24. 01. 2022 г. № 1325

между Нукус шаҳар КЭТ и Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиология боғини таълик ва жамоат саломатлиги бошқармаси на общую сумму 17399700,00

Глава 054
Казначейский линейный счет 100021860354017074110054001 (в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов**		Всего
	(соответствующий код бюджетной классификации)		
	4221000		
Январь	5 760 000,00		5 760 000,00
Февраль	5 760 000,00		5 760 000,00
Март	5 879 700,00		5 879 700,00
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
Всего за год	17 399 700,00		17 399 700,00

Всего 17399700,00 сум

Семнадцать миллионов триста девяносто девять тысяч семьсот сум 00 тийин
(сумма прописью)

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____ % *** от общей суммы договора подлежит предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах.

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода.

(***) — Месячный _____ % от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(Signature)
Подпись

Кутлымуратов Бахадир Бахитбаевич
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(Signature)
Подпись

Утепов Рустем Узакбаевич
Ф.И.О.

Принял работу в казначейского подразделения

Подучил работнику заказчика

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАКОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ

2021 йил «24» 01. 1325 -сон Нукус шаҳри

Нукус шаҳар электр таъминоти корхонаси асосида фаолият юритувчи раҳбари
(шуман (шаҳар) электр таъминоти корхонасининг номи)

Раҳманова Ю. Б. (кейинги ўриларда «Корхона»
(шуман (шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

деб аталади) бир томондан Шўр Сўроқдан ИСБ асосида фаолият юритувчи

раҳбари Б. Б. Кудратмуратов (кейинги ўриларда «Истеъмолчи» деб аталади),
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномага қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўриларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини улашган тармоқ орқали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол қилинган эиергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив _____ кВт.с. реактив 38666 кВт.с.

2.2. Етказиб бериладиган эиергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 19399500 (ёк икки миллион нуҳ иччи тоқсан тоғуз миң тўрт юз қирқ беш) сўми, тариф бўйича таъкил этиди.
тариф нури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки атайига таъкилтирилган, (керактиси ёниёсин)

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр эиергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-қиловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр эиергиясининг ҳақ тўланадиган ҳаққий миқдори ушбу шартномага 2-қиловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр эиергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр эиергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинган, давлат қисловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбалайди ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр эиергияси учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали, ўсиб борувчи ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВт ва ундан ортиқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, суз таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва суз истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетдан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) электр эиергияси учун ҳисоб-китобларини сузга нақдларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:
ярим тигиз пайт — сутканинг брут вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) — белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт — энг катта юкнамали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкнамали соатлари; эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунг пайт — сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкнамали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) — белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар камювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Ушланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация ҳолида нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган танкилотлар рўйхатига юритилган мажбурий ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширили.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи» ва «Корхона» орасидаги ҳисоб-китоб даври 60 кунга белгиланади.

3.4. «Истеъмолчи» ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси мажбурий аҳоли билан биргаликда (мажбур вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг кўрсаткичлари ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу алоҳида шартнома 5-аллоҳасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

«Истеъмолчи» «Корхона»га энергиянинг сарфланишини ўлчовчидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоҳиси орқали ҳар ойнинг « ____ » санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунг пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр таъминоти» корхонаси узврининг кучга киришдан келиб чиқиб 15 кун олдин қарорни оммавий маъмурот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган саналар қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва «Корхона» томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат корхоналари ва устас капиталдаги давлат удуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналарга 100 фоиз қолган юридик шакллarga 50 фоиз олинган ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳақда ойнинг охиригача яқини ҳисоб-китоб аялга оширилмаган ҳолларда махсус истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ қийматга бўлган қоралар қўрилади.

3.7. «Корхона» «Истеъмолчи»нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

«Истеъмолчи» турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

«Корхона» томонидан махсус дастурий махсудот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Ўзaro ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори»)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баяниси бўйича фарқлаш даражаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баяниси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми «Истеъмолчи» билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ даражасида кўрсатилади.

Бунда, 750 кВт ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истеъмолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тушги пайтлари учун алоҳида аниқлаиб, мутаносиб равишда ҳам олдинги электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳажми ёзиш учун қўшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдирди).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолянинг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб даври учун электр энергияси истеъмолянинг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Корхона томонидан ёзиб олинадан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вақили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошируачи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажминини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ОХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камда бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

«Корхона» «Истеъмолчи»нинг шахсий ҳисоб-ракам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фонддан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажминини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорда цена ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фонддан ошмаслиги доирда.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. «Истеъмолчи»ни куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқиридан аралашиш ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланishi, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қардорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улushiга мутавосиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари куйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги ЎРК 327-сон Қонунининг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вақтининг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудиядаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»нинг электр қурилмаларини «Корхона» электр тармоқларига техник шартаарга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар кўритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича тақлиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмида етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонуи ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

«Истеъмолчи» қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник қолатини саклаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қондаларига риоя қилинишини таъминлаш, «Корхона»га электр ускуналарининг ноозодлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзэнергосинспекция» қонуи ҳужжатларининг ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қондалари талабларини бажариш;

«Корхона» вақилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

Йил мобайлида янгидан ишга туширилаётган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошлангичидан қамда бир ой олдидан электр энергиясининг зарур миқдори учун «Корхона»га буюртманома бериш;

қашуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжин аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган «Истеъмолчи», «Корхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали давларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадagi сарфини.

«Истеъмолчи» қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик, яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташқил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишини қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан қўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида яшшаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадда (мақсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

мақсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. «Корхона» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истъмолчи»дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истъмолчи» томонидан etkazилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида «Истъмолчи»ни электр тармоғидан узиб қўйиш;

ЭХИАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истъмолчининг олдиндан тўланган ҳақ тутағида электр тармоқларидан узиш.

«Корхона» қонунчилиққа мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан «Истъмолчи»ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

4.4. «Корхона» қуйидагиларга мажбур:

«Истъмолчи»га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам etkazиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиғи объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиғи объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узиллишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

«Истъмолчи»ни электр энергиясини etkazиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ etkazиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги «Истъмолчи»нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай қўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

«Истъмолчи»га ўрнатилган тартибда etkazиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

«Истъмолчи»нинг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр

энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

«Истеъмолчи»да ўрнатилган ҳисобга олин приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, плембалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эа.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарада бажарилмаган ҳолларда, «Корхона» бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олдидан моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимида ривож қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йул қўйганда, «Корхона» томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли насл сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира миқоби автоматик йиғишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотага созилаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун «Истеъмолчи» олдидан моддий жавобгар бўлмайди;

«Қоракашоқ қудуқли электр тармоқлари корхонаси» АЖ ва «Ўзбекистон моддий электр тармоқлари» АЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон моддий электр тармоқлари» АЖ томонидан шартномани кўрсатилган миқордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмаган қолган электр энергияси учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчи»ни қарздорлиги ёки бошқа асосли сабабларга кўра электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч қолатлари ҳамда факулотда авария ҳолатлари юзата келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олдидан жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзата келадиган бирча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчилиқда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20 22 йил 31 декабрь гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланган ёки икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиш шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг алоқасиз шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қондалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қондалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ: ҚР СЭТ ҳам ис бажармаси

Юридик манзили Қоқис қаласи Қоқис шаҳри 589
Ҳисобрақами 100021860354017074110054001

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 201020927

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилмаган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фонднинг ҳисобрақами Бриг. Кош. ет. 2340200030000001010

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 201122919

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами
Банк коди (МФО) _____ STIR (ИНН) _____

КҚС тўловчининг коди
Телефонлар: 61 224-88-31 Факс: 61 224-88-20 e-mail: _____

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг ўрни, факс телефони ва коди электрон манзили ёзилади)

Кадастр рақами _____

Статистик кодлар:
IFUT (ОКЭД) 41200
DBVBT (СООГУ) _____
MHOBT (СОАТО) _____
(КФС) _____
TSHK (КОИФ) _____

КОРХОНА: Нукус шаҳар электр таъминоти корxonаси

Почта манзили Нукус шаҳри Утепов кучаси рақамсиз уй.

Ҳисоб рақами 2263 6000 8003 1453 1480

Банк коди (МФО) 00868 STIR (ИНН) 200357207

КҚС тўловчининг коди
Телефонлар: 61-226-52-55, 61-226-52-58 Факс: _____

Статистик кодлар:
DBVBT (СООГУ) _____
MHOBT (СОАТО) _____



ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОСАСИ
Юридик ахборот хизмати ва йўриқнома шартномаси _____

Юридик ахборот хизмати ва йўриқнома шартномаси 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Юридик ахборот хизмати шартномадан тузилган учун Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий талаблари молиявий ҳисобидан шартнома шартномачиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаронлик кодексига ва ҳуқуқий шартнома субъектлар фаолиятининг шартномачиларнинг ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун талабларига мос равишда шартнома шартлари қўядиган қилиб чиқариш мумкин бўлган жиловларни исқалас томонлар ўртасида ҳуқуқий қилишмоғи. Шартнома қўядиган шартнома шартномачилари ўртасидаги ишларни ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Юристиконсулт. [Signature]

**Қарақалпақстан Республикалық санитария эпидемиологиялық тынышлық хам жамийет саламатлығы
басқармасы пайдаланатуғын электр энергиясы толеми ушын бюджет есап бетинен 2022 жыл ушын
ажратылган каржынын есабы**

Айлары	Кв/ч	Бахасы	Суммасы
1	2	3	4
Январь	12800,00	450,00	5760000,00
Февраль	12800,00	450,00	5760000,00
Март	13066,00	450,00	5879700,00
Жами I-кв	38666,00		17399700,00
Апрель			
Май			
Июнь			
Жами II-кв			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Жами III-кв			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
Жами IV-кв			
ЖАМИ:	38666,00		17399700,00

ОАО ККЭТ Нокис филиалы
Бас есапшы



КР СЭТ хам ЖСБ
Бас есапшы

